ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВ ХУРШЕД АБДУЛЛОЕВИЧ

ЯНГИ АННЕЛИРЛАНГАН ПИРИМИДИНЛАР СИНТЕЗИ, МОДИФИКАЦИЯСИ ВА БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ

02. 00. 03-Органик кимё
02. 00. 10-Биоорганик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

УЎТ: 547.735“854.218.07:542.924;
547.853+547.78:615.27/.28+615.277

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВ ХУРШЕД АБДУЛЛОЕВИЧ

ЯНГИ АННЕЛИРЛАНГАН ПИРИМИДИНЛАР СИНТЕЗИ, МОДИФИКАЦИЯСИ ВА БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ

02. 00. 03-Органик кимё
02. 00. 10-Биоорганик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/K75 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:	**Аскаров Иброҳим Раҳмонович** кимё фанлари доктори, профессор
	Сагдуллаев Шомансур Шоҳсанович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Абдушукуров Анвар Кабирович** кимё фанлари доктори, профессор
	Prickril Ben (Мэриленд, АҚШ) профессор
	Ходжаниязов Хамид Уткирович кимё фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент Фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» 04 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail:chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (99871) 246-53-21; 246-02-24; e-mail:chem0102@mai.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «5» 04 куни тарқатилди.
(2021 йил «5» 04 даги 7- рақамли реестр баённомаси).

Х. Т. Шарипов
Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д. А. Гафурова
Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

А. К. Абдушукуров
Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда фармацевтика саноати тобора ривожланиб бораётган бир вақтда, тиббиётда, жумладан онкологияда мавжуд муаммолар ҳамон ўз ечимини тўлиқ топмаган. Масалан, дунёда ҳар йили ўрта ҳисобда бир неча ўн миллион инсонларнинг ўлимига айнан саратон касаллигининг у ёки бу турлари сабаб бўлмоқда. Ўз навбатида ушбу ҳолат турли хил эпидемиологик вазиятларда вируслар, патоген микроблар ва бошқа турдаги юқумли ва саратон касалликларига қарши дори дармонлар ва вакциналарни қисқа муддатда ишлаб чиқаришни соҳа олимлари олдига долзарб ва улкан вазифа қилиб юклади. Шу мақсадда селектив препаратлар синтез қилиш, потенциал фаол бирикмаларни модификациялаш, уларнинг биологик хоссаларини атрофлича ўрганиш ва уларни тиббиёт амалиётига тез фурсатларда етказиб бериш муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда синтез қилинадиган антибиотик ва онкологик препаратларнинг аксарияти пиримидин ҳалқаси сақлаган бирикмалар ҳисобланади. Жумладан, цидофовир ва пириметамин препаратлари вирусларга қарши самарали натижалар кўрсатган. Улар асосида яратилган препаратлар вирусларга, микробларга, шамоллашга, қандли диабет ва саратонга қарши, шунингдек, антиоксидантлар, ўсимликлар ўсиши регуляторлари ва гербицидлар сифатида қўлланилмоқда. Ушбу дори дармонларнинг фармацевтика соҳасидаги истиқболи, пиримидин ҳалқаси сақлаган янги бирикмаларни мақсадли синтези ва модификациясини амалга ошириш, уларнинг тузилишини замонавий усуллар асосида аниқлаш, олинган бирикмаларни турли биологик хоссаларини текшириш, танлаб олинган биологик фаол моддалар асосида янги дори воситаларини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш алоҳида ахамият касб этади.

Республикамизда фармацевтика ва аграр соҳаларини табиий ҳамда синтетик маҳсулотлар асосида бойитиш ва таъминлаш мақсадида маҳаллий дори дармонлар ишлаб чиқилган. Мазкур йўналишда ўзбек олимлари томонидан яратилган «Дезоксипеганин», «Аллапинин», «Цитизин», «Галантамин», «Розалин» ва бошқа препаратлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1] «ички ва ташқи бозорларда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулотларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада мамлакатимиз табиий бойлиги саналмиш доривор ўсимликлари таркибидаги биологик фаол табиий бирикмалар, уларнинг умумий синтези ва модификацияси натижасида олинадиган янги синтетик препаратларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «Республикамизда 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал ривожлантиришнинг кейинги чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» ва VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. Аннелирланган пиримидинлар синтези, кимёвий ўзгаришлари ва биологик хоссалари йўналишида тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассалари ва илмий марказларида, жумладан: Peking University (Хитой), Russian Academy of Sciences (Россия), Waseda University (Япония), University of Mississippi (АҚШ), University of Würzburg (Германия), Cairo University (Миср), United States Environmental Protection Agency (АҚШ), King Khalid University (Саудия Арабистони), University of Tehran (Эрон) ва Ўсимлик моддалари кимёси институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Бициклик аннелирланган пириминлар (пурин, хиназолин, пиридо-, пирано-, пирроло-, фуро-, тиено-, пиразолопиримидинлар ва бошқалар) ва уларнинг ҳосилаларини олишда кимёвий, биологик ва биокимёвий ёндашувлар асосида турли хил мақсадли синтез усулларига ва амалиётига қўллашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: бир босқичли, икки ва кўп компонентли ҳалқаланиш реакциялари натижасида бициклик аннелирланган пириминлар синтез қилинган (Cairo University, Миср; Indian Institute of Technology Ropar, Ҳиндистон; Islamic Azad University, Эрон; Cardiff University, Англия; Heidelberg University, Германия; Ivan Franko National University of Lviv, Украина), ўсимликлар таркибида учрайдиган аннелирланган пиримидинларни экстракция усулида ажратиб олинган (Ўсимлик моддалари кимёси институти, Ўзбекистон), бициклик аннелирланган пириминлар тотал синтези усули яратилган (Chinese Academy of Sciences, Хитой), тупроқ ва ўсимликлардаги микроорганизмлар (эндофитлар) экстракцияси орқали синтез қилиш усули ишлаб чиқилган (The Scripps Research Institute, АҚШ; Institute of Oceanology, Chinese Academy of

[2]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.sciencedirect.com, www.scopus.com, www.webofknowledge.com, www.scholar.google.com, www.ncbi.nlm.nih.gov ва бошқа манбаалар материаллари асосида тайёрланган.

Sciences, Хитой); олинган “hit” бирикмалар саратон ҳужайраларига, вирусларга ва патоген микробларга қарши фойдаланилган (Shenyang Pharmaceutical University, Хитой; University of Catania, Италия; Triplex Pharmaceutical Corporation, АҚШ), фермент ингибиторлари сифатида ва Альцгеймер касаллигига қарши препаратлар яратилган (University of Würzburg, Германия).

Дунёда янги аннелирланган пиримидинлар синтези, модификацияси ва биологик фаоллиги бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кичик молекуляр оғирликдаги аннелирланган пиримидинларни қулай ва бир босқичли селектив синтези ва “яшил” синтез стратегиясини қўллаш; табиий бирикмалар синфига мансуб биологик фаол аннелирланган пиримидинларни умумий синтезини амалга ошириш; турли хил фармакофор хусусиятларга эга фрагментларни аннелирланган пиримидинлар скелетига бириктириш; молекуляр моделлаштириш ҳисоблашлари асосида пиримидин-фермент боғли ингибитор хусусиятга эга бўлган бирикмалар синтез қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Беш ва олти аъзоли гетероцикллар билан аннелирланган пиримидинлар кимёси ва уларни тиббиёт кимёсидаги тадқиқотлар билан бир қатор хорижий олимлар узоқ йиллардан буён шуғулланиб ўзига хос мактаб яратганлар. Жумладан A.L. Jackman, K.A.M. Abouzid, A. Gangjee, B.H. Hoff, H.A. Aisa, V.P. Litvinov, S.S. Bhagwat, A. Saeed, C.H. Oh, K. Kumar, N. Klempier, A.S. Noravyan, G.H. Hitchings, G.B. Elion каби олимлар ушбу йўналишда изланиш олиб боришади.

Табиий ва синтетик пиримидинлар йўналишида ўзбек олимлари ҳам ўз гуруҳлари билан кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борганлар: хусусан бу синф бирикмаларини ўсимликлардан ажратиш, умумий синтез қилиш, уларнинг кимёвий ўзгаришларига бағишланган ишлар академик С.Ю. Юнусов ва шогирдлари, соҳа профессорлари Ҳ.М. Шоҳидоятов, Н.Д. Абдуллаев, Б.Ж. Элмурадов, В.И. Виноградова, Х.У. Ходжаниязов ва бошқа юртимиз олимлари томонидан ўрганилган.

Лекин ҳозирги кунгача фақат хиназолин (етарлича ўрганилган), тиено[2,3-*d*]пиримидин (атрофлича ўрганилган) ва пиридо[2,3-*d*]пиримидинлар (айрим ҳосилалари олинган) ўрганилган бўлиб, трициклик ва полициклик аннелирланган пиримидинларнинг бошқа вакиллари синтези етарлича ўрганилмаган. Турли гетероҳалқалар билан аннелирланган пиримидинларни параллел синтези ва шу йўналишда тизимли тадқиқотлар ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг дисертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ФА-Ф3-Т047 «Алкалоидлар ва уларнинг синтетик аналоглари қаторида янги С-С боғлари ҳосил қилиш усулларини назарий асослари» (2007-2011 йй.), № ФА-Ф7-Т207 «Биологик фаол гетероциклик бирикмалар молекуласида асимметрик марказ ҳосил қилишнинг назарий муаммолари» (2012-2016 йй.), шунингдек Ўсимлик

моддалари кимёси институтининг Хитой Фанлар Академияси билан ҳамкорликдаги қўшма лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади янги аннелирланган пиримидинлар, жумладан: тиено-, фуро-, пиразоло- ва пиридопиримидинлар янги ҳосилаларининг синтез усулларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг тузилишини, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

табиий алкалоид дезоксивазициноннинг синтетик аналоглари сифатида янги аннелирланган гетероцикллар синтез қилишда асосий хом ашёлар: беш аъзоли аминокарбон кислота эфирларини олиш усулларини такомиллаштириш;

симметрик 2,5-диамино-3,4-карбон кислота этил эфири синтези ва уни ароматик алдегидлар ва ароматик кислота хлорангидридлари билан реакцияларини ўрганиш;

2,3-диалмашган бициклик тиено[2,3-*d*]пиримидинонларни бир-реакторли уч компонентли олиниш йўлларини ўрганиш;

трициклик тиено[2,3-*d*]пиримидинонлар синтези ва тиофен ҳалқасига борадиган реакцияларини амалга ошириш (*unco*-алмашиниш, оксидланиш, амидлаш, сулфамидлаш ва б.);

янги трициклик беш/олти аъзоли, битта гетероатомли (тиофен, фуран, пиридин) аннелирланган пиримидинонларини муқобил синтезини амалга ошириш;

янги трициклик беш аъзоли, икки гетероатомли (пиразол) аннелирланган пиримидинонларни реакциясини амалга ошириш;

янги трициклик беш аъзоли, бир ва икки гетероатомли аннелирланган пиримидинонлардаги N-C=O гуруҳини N-C=S функционал гуруҳига конверсия қилиш;

олинган янги дезоксивазицинон аналоглари ва уларнинг ҳосилалари орасидан биологик фоал бирикмаларни аниқлаш, фаолликни тузилишга боғлиқлиги, молекуляр докинг ва уларнинг таъсир механизмини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли гетероатом тутган беш аъзоли аминокарбон кислоталари ва уларнинг эфирлари, ҳар хил гетероатомли беш аъзоли дезоксивазициноннинг синтетик аналоглари, ҳамда уларнинг тионли ҳосилалари, ароматик алдегидлар, тионловчи реагентлар (P_2S_5 ва Лавессон реагенти), катализаторлар, ароматик аминлар, ароматик сулфонилхлоридлар ва нитроловчи реагентлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети Гевалд реакцияси, ҳалқаланиш реакциялари, тиоамидлаш реакциялари, Курциус қайта гуруҳланиши, “Scaffold-hopping” ёндашувли реакция, электрофил алмашиниш, *unco*-алмашиниш, саратон ҳужайраларига қарши фаоллик (ҳужайра цикли, апоптосиз), микробларга қарши фаоллик, вирусларга қарши фаоллик, фермент фаоллигини ингибирлаш (PTP1B, ацетилхолинэстераза ва бутирилхолинэстераза), биологик фаол бирикмаларнинг таъсир механизми каби физик-кимёвий ва биологик жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда нозик органик синтез, хроматография (ЮҚХ, КХ, ЮССХ-HPLC), УБ-, ИҚ-, ^{1}H- ва ^{13}C ЯМР спектроскопия, масс-спектрометрия (HR-MS), рентген тузилиш таҳлили (X-ray) ва биологик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор беш аъзоли турли хил гетероҳалқали (тиофен, фуран, пиразол) аминокарбон кислота этил эфирлари комбинатор ва параллел синтез стратегияси асосида синтез қилинган;

илк бор симметрик 2,5-диамино-3,4-дикарбон кислота этил эфири, унинг модификацияси натижасида азометинлар, *моно*- ва *бис*-амидлар олинган;

янги 2,3-диалмашган бициклик тиено[2,3-*d*]пиримидинонларнинг қулай ва уч компонентли синтез усули системалаштирилган;

илк бор амид- ва сульфамид фрагментли трициклик тиено[2,3-*d*]пиримидинонлар синтез қилинган;

трициклик беш аъзоли, бир ёки икки гетероатомли аннелирланган пиримидин ҳосилалари қаторидан тиено[3,2-*d*]-, фуро[2,3-*d*]- ва пиразоло[3,4-*d*]пиримидинонлар ҳамда уларнинг тионлари синтези усуллари яратилган;

320 га яқин гетероцикллар, жумладан 240 та янги бирикмалар: азометинлар, амидлар, бициклик тиено[2,3-*d*]пиримидинонлар, дезоксивазициноннинг синтетик аналоглари (тиено-, фуро-, пиразоло-, пиридо-) синтез қилинган ва улар биологик фаолликни намоён қилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

240 та янги бирикмаларнинг олиниш усуллари ишлаб чиқилган, улардан 200 дан ортиғининг биологик фаоллиги аниқланган ва натижада 20 га яқин истиқболли моддалар топилган;

илк бор аннелирланган пиримидинонларда: оксидланиш, қайтарилиш, *ипсо*-нитролаш, карбоксиллаш, ҳалқаланиш, бир-реакторли реакция, этерификация, бирикиш реакцияси, амидлаш, тиоамидлаш каби турли хил реакциялар олиб борилган;

симметрик 2,5-диамино-3,4-дикарбон кислота этил эфири асосида 5-нитро фурфурил фрагментли фаол азометин, объект сифатида танлаб олинган саратон ҳужайраларига қарши “номзод бирикма” бўлиши мумкинлиги аниқланган;

дезоксивазицинондаги А-халқа модификацияси асосида “scaffold-hopping” стратегияси орқали янги трициклик беш/олти-аъзоли, бир/икки гетероатомли аннелирланган пиримидинонлар: тиено[2,3-*d*]-, тиено[3,2-*d*]-, фуро[2,3-*d*]-, пиразоло[3,4-*d*]-, ва пиридо[3,4-*d*]пиримидинонлар синтези қилинган;

тиено[2,3-*d*]пиримидинон ҳосилалари орасидан истиқболли бирикмалар олиниб, уларнинг B16 ҳужайрасида фаол меланин синтези таъсири мавжудлиги аниқланган;

синтез қилинган бирикмалар қаторидан саратон ҳужайраларига, патоген микробларга қарши номзод бирикмалар, ҳамда грипп вируслари ва диабетга қарши фаол моддалар борлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Барча натижалар замонавий органик, физик, аналитик ва биологик тадқиқот усуллари ёрдамида олинган ва тасдиқланган, шунингдек олинган натижалар асосида 1 та патент, юқори импакт факторли хорижий журналларда 10 та (Scopus базасидаги журналларда) мақолалар чоп қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти синтез қилинган тиофен, фуран, пиразол ва пиридин каби беш/олти аъзоли ҳамда бир/икки гетероатомли аннелирланган пиримидин бирикмалар олинган ва улардаги турли хил реакциялар, жумладан ҳалқаланиш, бир-реакторли синтез, Гевалд реакцияси, қайта гуруҳланиш, тиоамидлаш ва бошқа хил реакция усуллари ва қонуниятлар аниқланганлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, синтез қилинган барча бирикмалар “мақсадли синтез” стратегияси асосида олинган ва 20 га яқин янги моддалар тегишли касалликларни келтириб чиқарувчи вирус, микроб ва зарарли ҳужайраларга қарши селектив фаоллиги аниқланиб, топилган фаол бирикмалар фармацевтика соҳаси учун таклиф қилинган, шунингдек энг истиқболли моддаларнинг таъсир механизмлари, бирикмалардаги фаолликни тузилишга боғлиқлигига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Трициклик аннелирланган пиримидинонлар, уларнинг ҳосилалари, ҳамда дастлабки хом ашё материалларининг синтези ва биологик фаоллиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

2,5-диамино-3,4-дикарбон кислота этил эфири асосида биологик фаол бўлган азометинлар олиш усулига Хитой Халқ Республикаси ихтирога патенти олинган (CN 104016963 B, 2016). Натижада 2,5-диамино-3,4-дикарбон кислота этил эфирига боғланган 5-нитро фурфурил фрагментли азометинлар асосида аёллар кўкрак бези саратони ҳужайраларига қарши селектив фаол бирикмалар олиш имконини берган;

аннелирланган пиримидинларнинг синтез қилиш усули Хитой Халқ Республикасининг Topharman Shandong Co., Ltd. фармацевтик компаниясида амалиётга жорий қилинган (Topharman Shandong Co., Ltd. фармацевтик компаниясининг 2020 йил 5-ноябрдаги маълумотномаси). Натижада конденсирланган пиримидинларнинг бир-реакторли ва босқичли синтезларини амалга ошириш имконини берган;

циклик лактамлар асосида полициклик табиий бирикмалар синтез қилиш усули Хитой Халқ Республикасининг Xinjiang Shafiya Biotechnology Co., Ltd., компаниясида жорий қилинган. (Xinjiang Shafiya Biotechnology. фармацевтик компаниясининг 2020 йил 5-ноябрдаги маълумотномаси).Натижада табиий бирикмалар аналогларини лактамлар иштирокида бир-реакторли усулларда олиш имконини берган;

2- (4-Фторфенил)-3-(4-гидроксифенэтил)-3,5,6,8-тетрагидро-4*H*-пирано-[4',3':4,5]тиено[2,3-*d*]пиримидин-4-он (**95**, CCDC 1813089); 2,4-Дифтор-*N*-(2-метил-4-оксо-4,6,7,8-тетрагидропирроло[1,2-*a*]тиено[2,3-d]пиримидин-3-ил)бензосулфонамид (**200**, CCDC 1528441); 2-Фтор-*N*-(2-метил-4-оксо-

6,7,8,9-тетрагидро-4*H*-пиридо[1,2-*a*]тиено[2,3-*d*]пиримидин-3-ил)бензосул-фонамид (**208**, CCDC 1528442); 1,2,3,6,7,8-Гексагидро-10*H*-циклопента-[4,5]тиено[2,3-*d*]пирроло[1,2-a]пиримидин-10-он (**279**, CCDC 961924) ларнинг рентген тузилиш таҳлили натижалари халқаро Кембридж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (The Cambridge Structural Database, https://www.ccdc.cam.ac.uk, CCDC 961924, 1528441, 1528442, 1813089). Натижада базага киритилган янги моддалар ўхшаш бирикмаларни синтез қилиш, тузилишини ўрганиш имконини берган;

2-аминотиофен карбон кислота этил эфирлари, трициклик тиенопиримидинонлар, азоллар ва аннелирланган пиримидинонларнинг тузилиши, синтез усуллари, кимёвий ўзгаришлари ва биологик фаоллиги ҳақидаги маълумотларни қўлланилиши ва таҳлили учун хорижий юқори импакт факторли 130 га яқин журналлар ҳамда 250 та манба ва илмий мақолаларда фойдаланилган: *Chemical Engineering Journal* (2020), 128115 (IF=10.65); *Chemical Communications* (2019), 55, 11115-11118 (IF=6.16); *Organic Letters* (2020), 22, 2714–2719 (IF=6.09); *Advanced Synthesis & Catalysis* (2020), 362, 160 (IF=5.85); *Chemistry – A European Journal* (2019), 25, 9419 (IF=4.85); *The Journal of Organic Chemistry* (2018), 83, 14688–14697 (IF=4.33); *Crystal Growth & Design* (2020), 20, 5688–5697 (IF=4.08); *Journal of Medicinal Chemistry* (2019), 62, 174–206 (IF=6.20); *European Journal of Medicinal Chemistry* (2019), 161, 239-251 (IF=5.57); *Bioorganic & Medicinal Chemistry* (2018) 26, 309-339 (IF=3.07); *Expert Opinion on Drug Discovery* (2020), 15, 603-625 (IF=4.88); *Dyes and Pigments* (2020) 178, 108343 (IF=4.61) ва бошқалар. Натижада C-H боғи орқали пиримидин-4-онлар синтезига, арил- ва гетероарил кислоталарни *unco*-нитролашга, 2-амино-3-арилтиофенларнинг муқобил олиниш усуллари ва саратон ҳужайралари, патоген микробларга ва тери касалликларига қарши фаоллигини аниқлашга, тиенопиримидинон скелетининг допамин D_2 рецептори негатив аллостерик модуляторлари олинишига, пиразолопиримидинларнинг тиббиётдаги ютуқлари, ҳамда азот сақлаган гетероциклик бирикмаларни ацетилхолинэстераза ингибиторлари сифатида қўллаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 10 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та хорижий патент (Хитой), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола юқори импакт факторли хорижий ва 2 та республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, зарурияти, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари асосланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бициклик аннелирланган пиримидинлар синтези ва уларнинг қўлланилиши»** деб номланган **биринчи бобида** адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда пиррол, фуран, тиофен, имидазол, пиразол, триазол, оксазол, тиазол, изоксазол, изотиазол, селенофен каби бир ва икки гетероатомли беш аъзоли гетероцикллар билан аннелирланган бициклик пиримидинлар, шунингдек циклооктан, пиран, бензол, пиридин, пиридазин, пиримидин каби олти аъзоли бир ва икки гетероатомли аннелирланган бициклик пиримидинлар синтези ва биологик фаоллиги таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Бициклик ва трициклик аннелирланган тиено[2,3-*d*]пиримидинонлар синтези ва модификацияси»** деб номланган **иккинчи бобида** аннелирланган би- ҳамда трициклик тиено[2,3-*d*]пиримидинонлар ва уларнинг бошланғич материалларининг муқобил синтези ва модификацияси бўйича олинган натижалар муҳокама этилган.

4,5-Диалмашган тиофен карбон кислота этил эфирларининг комбинатор синтези: 2-Аминотиофен (2-АТ) **11**, Гевалд реакцияси асосида-олтингугурт, этил цианоацетат (**7**), диэтиламин ва циклогексаноннинг (**4**) бир-реакторли кўп компонентли (ККР) реакцияси асосида ҳалқаланиш реакцияси 3 соат 45°С да этанолда қиздириб олиб борилганда кутилган **11**-бирикма ҳосил бўлади. 2-АТ ларнинг бошқа вакиллари (**8-10, 12**, **13**) ҳам мазкур реакция шароитида синтез қилинди, лекин диэтиламин ўрнига триэтиламин (ТЭА) ишлатилди. Барча тажрибаларда 2-АТ лар 80% дан юқори унумларда, хусусан **12**-бирикма 93% унум билан ҳосил бўлиши кузатилди. 2-Амино-5-метилтиофен-3,4-дикарбон кислота этил эфири (**16**, 81%) 6 соат қиздирилганда ҳосил бўлди. Бунда реакция компонентлари олтингугурт, **7**-бирикма, ТЭА ва этил 2-оксобутаноатлар (**15**) 1/1/1.5/1.1 нисбатларда олинди. **15**-Бирикма диэтилоксалатнинг этилмагний бромид билан –10°С да ўзаро таъсирлашиши натижасида олинди.



1,8, R-H, R_1=Me; **2,9**, R,R_1=Me; **3**, X=CH_2, n=0, **10**, R+R_1=$(CH_2)_3$; **4**, X=CH_2, n=1, **11**, R+R_1=$(CH_2)_4$; **5**, X=O, n=1, **12**, R+R_1=$(CH_2)_3$; **6**, X=CH_2, n=2, **13**, R+R_1=$(CH_2)_5$; **16**, R-CO_2Et, R_1=Me; **17**, R-CO_2Et, R_1=NH_2

2,5-Диаминотиофен-3,4-дикарбон кислота этил эфири (**17**) – симметрик “билдинг блок” ҳисобланиб, С-2 ва С-5 ҳолатларида NH_2, ҳамда С-3 ва С-4 ҳолатларида эса этил эфири гуруҳлари тутган бирикмадир. У олтингугурт, **7**-

бирикма, ТЭА (1/2/0.2 нисбатда) ва диметилформамидда 72 соат 10°С да таъсирлашганда 73% унум билан олинди.

Азометинлар, моно- ва бис- амидлар синтези: Симметрик диаминотиофеннинг (**17**) азометинлари (**19-46**) синтези, **17** нинг тегишли ароматик ва гетероциклик алдегидлар (**18a-ab**) билан 40 дақиқа *н*-BuOH да (ёки 30 дақиқа толуолда) қиздирилганда амалга ошади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳалқасида электроноакцептор гуруҳлар (ЭАГ) тутган реагентлар билан олинган реакция маҳсулотлари 15 дақиқада 65-94% унумларда ҳосил бўлади.



Олинган бирикмаларнинг (**19-46**) ^{1}H ЯМР спектрларида N=CH гуруҳига тегишли синглетларнинг 7.77-8.08 м.у. ларда ва ^{13}C ЯМР спектрларда эса N=CH гуруҳидаги углерод атомлари сигналлари 137.65-153.86 соҳаларда намоён бўлиши кузатилади. Бундан ташқари, **19-46**-бирикмаларнинг иккала ^{1}H ва ^{13}C ЯМР спектрларида моддаларнинг бир этокси- гуруҳига мансуб сигналлар кучсиз соҳага силжиши кузатилди. Ушбу натижалар барча синтез қилинган бирикмалардаги амино гуруҳининг протонлари алмашинганидан далолат беради. **17**-Бирикма тегишли ароматик кислота хлорангидридлари (**18ac-ah**) билан ишқорий муҳитда (А ва В усуллар) реакцияга киришганда фақат симметрик *бис*-амидларнинг (**50-53**) ҳосил бўлиши кузатилади. Ушбу жараён ароматик ҳалқадаги 3-С атомига туташган CH_3 (**50**), 3- ва 5-С атомларига боғланган CF_3 (**51**), ва 3,4,5-С атомларидаги F (**52**) атоми тутган ароматик кислота хлорангидридлари билан олиб борилган реакциялар натижасида содир бўлди. Шу билан бирга симметрик тиофеннинг (**17**) *моно*-амидлари (**47** ва **49**) ҳам тегишли кислота хлорангидридлари билан ишқорий муҳитда, реакциялар хлороформ ёки бензолда олиб борилганда синтез қилинди (А усул). 3,4,5-Триметоксибензоилхлорид билан иккала *моно*- (**48**) ва симметрик *бис*- (**53**) маҳсулотлар ҳосил бўлиши кузатилди. А усулда олинган **48**-бирикманинг унуми 53% ни, В усулда ҳосил бўлган *бис*-маҳсулотнинг (**53**) унуми эса 92% ташкил қилди.

Бициклик тиено[2,3-d]пиримидинонлар: Тиено[2,3-*d*][1,3]оксазин-2,4-дионлар, биологик фаол бициклик тиено[2,3-*d*]пиримидинонларнинг синтез қилинишида муҳим синтон вазифасини ўтайди. Шу мақсадда, дастлаб

трифосген ва **54-49**-кислоталарининг ўзаро таъсирлашувидан тегишли оксазинлар **60-65** олинди. Шунингдек, **54-49**-кислоталар тегишли 2-АТ ларнинг (**8-13**) NaOH иштирокида спиртда қиздириш орқали синтез қилинди.



Сўнгра, олинган оксазинлар (**60-65**) иштирокида 2,3-диалмашган тиено[2,3-*d*]пиримидинонларнинг (**68-103**) бир-реакторли, икки босқичли, уч компонентли синтези устида тадқиқотлар олиб борилди. Даставвал, 5,6,7,8-тетрагидро-2*H*-бензо[4,5]тиено[2,3-*d*][1,3]оксазин-2,4(1*H*)-дион (**63**; 1.5 ммол), 4-хлорбензалдегид (**66c**; 1 ммол), ва фенилметиламин (**67a**; 1.5 ммол) мисолида реакция шароитлари ўрганилди (1-Жадвал).

1-Жадвал. 2,3-Диалмашган тиено[2,3-*d*]пиримидинонларнинг бир-реакторли, икки босқичли, уч компонентли синтези.



Қатор	Эритувчи	Катализатор	Вақт (соат)	Ҳарорат	Унум (%) [a]
1	EtOH	$KAl(SO_4)_2 \cdot 12H_2O$	20	қиздириш	— [b]
2	EtOH	*p*-TsOH	20	қиздириш	— [b]
3	MeOH	K_2CO_3	24 [c]	80°C	34%
4	EtOH	Cs_2CO_3	24 [c]	25°C	— [b]
5	EtOH	Cs_2CO_3	2.5 [c]	қиздириш	51%
6	MeOH	Cs_2CO_3	2.5 [c]	80°C	43%
7	MeOH	NaOH	3 [c]	80°C	48%
8	EtOH	ТЭА	20 [c]	қиздириш	— [b]
9	EtOH	*N*,*N*-Диизопропиламин	20 [c]	қиздириш	— [b]
10	EtOH	KOH	2 [c]	қиздириш	62%
11	H_2O	KOH	20 [c]	қиздириш	— [b]
12	ДМФ	KOH	3 [c]	қиздириш	46%
13	ТГФ	KOH	3 [c]	қиздириш	— [b]

[a] ажратиб олинган унум; [b] маҳсулот олинмаган; [c] **63**, **67a** ва **66c** ларнинг аралашмаси катализатор қўшилишидан олдин 12 соат қиздирилди.

Ушбу бир-реакторли реакцияларда катализаторлар $KAl(SO_4)_2 \cdot 12H_2O$ ва Брёнстед кислоталаридан *p*-TsOH ишлатилганда аннелирланиш содир бўлмади. Реакция шароитларини систематик тадбиқ қилишда турли хил протон ва апротон эритувчилар, ҳамда асосларнинг ҳам таъсири ўрганилди. Кучли анорганик асослар, жумладан Cs_2CO_3, NaOH ва KOH ишлатилганда кутилган аннелирланган маҳсулотлар ҳосил бўлди, лекин органик асослар ТЭА ва *N*,*N*-диизопропиламин билан олиб борилган тажрибалар натижа бермади. Ушбу уч компонентли реакция 12 соат KOH иштирокида EtOH да

қиздирилганда маҳсулот энг юқори унум билан синтез қилинди. Реакциянинг ушбу оптимал шароити топилганидан сўнг, турли хил гуруҳлар тутган субстратларнинг (оксазинлар, аминлар ва алдегидлар) 2,3-диалмашган тиено[2,3-*d*]пиримидинонларнинг мазкур бир-реакторли синтезига таъсири ҳам ўрганилди. Электронодонор гуруҳлар (ЭДГ) сақлаган алдегидларда ЭАГ тутган алдегидларга қараганда юқорироқ унумларда реакция маҳсулоти ҳосил бўлиши кузатилди (1-Жадвал). Масалан, F атоми тутган **79**-бирикманинг (51%) унуми **76** модданикига (65%) нисбатан пастроқ, ўз ўрнида ушбу **76**-ҳосиланинг унуми CH_3O-гуруҳи сақлаган **80**-бирикманикига (86%) қараганда анча пастлигини кузатиш мумкин.



68, m=2, R=OH, Ar=4-Cl-C_6H_4
69, m=1, R=H, Ar=4-Cl-C_6H_4
70, m=1, R=H, Ar=4-F-C_6H_4
71, m=2, R=OH, Ar=4-Cl-C_6H_4
72, m=1, R=H, Het=4,5-Me-thienyl-2
73, m=1, R=H, Ar=C_6H_5
74, m=1, R=H, Ar=4-Cl-C_6H_4
75, m=1, R=H, Ar=4-F-C_6H_4
76, m=1, R=H, Ar=C_6H_5
77, m=1, R=H, Ar=2-Cl-C_6H_4
78, m=1, R=H, Ar=4-Cl-C_6H_4
79, m=1, R=H, Ar=4-F-C_6H_4
80, m=1, R=H, Ar=4-OMe-C_6H_4
81, m=1, R=H, Ar=4-OH-C_6H_4
82, m=2, R=OH, Ar=C_6H_5
83, m=2, R=OH, Ar=2-F-C_6H_4
84, m=2, R=OH, Ar=4-Me-C_6H_4
85, m=2, R=OH, Ar=4-F-C_6H_4

86, m=1, R=H, Het=5-Me-furyl-2
87, m=1, R=H, Het=4,5-Me-thienyl-2
88, m=2, R=OH, Het=4,5-Me-thienyl-2
89, m=2, R=OH, Het=thienyl-2
90, m=1, R=H, Ar=2-Cl-C_6H_4
91, m=1, R=H, Ar=4-F-C_6H_4
92, m=2, R=OH, Ar=C_6H_5
93, m=2, R=OH, Ar=4-Me-C_6H_4
94, m=2, R=OH, Ar=4-Cl-C_6H_4
95, m=2, R=OH, Ar=4-F-C_6H_4
96, m=1, R=H, Het=5-Me-furyl-2
97, m=1, R=H, Het=thienyl-2
98, m=1, R=H, Het=4,5-Me-thienyl-2
99, m=2, R=OH, Ar=C_6H_5
100,m=2, R=OH, Ar=4-Cl-C_6H_4
101,m=1, R=H, Het=5-Me-furyl-2
102,m=1, R=H, Het=thienyl-2
103,m=1, R=H, Het=4,5-Me-thienyl-2

Бундан ташқари, тиофен ҳалқасида тетра- ва пентаметилен гуруҳлари бўлганда, ҳамда реакцияга фенилэтиламин учинчи компонент сифатида олинганда юқори унумли тиено[2,3-*d*]пиримидинонлар ҳосил бўлади (бирикмалар: **84** (81%), **85** (77%), **99** (77%) ва **100** (84%)). Шундай қилиб, тегишли **68-103** бирикмаларнинг бир-реакторли, икки босқичли, уч компонентли реакциялари асосида систематик синтези амалга оширилди. Юқоридаги услубни қўллаб субстратлар **63**-бирикма, бензальдегид (**66a**) ва этилендиаминнинг (**67c**) 3:3:1 нисбатлардаги реакцияси натижасида 3,3'-(этан-1,2-диил)бис(2-фенил-5,6,7,8-тетрагидробензо[4,5]тиено[2,3-*d*]пиримидин-4(3*H*)-он (**104**) гибрид бирикма ҳосил бўлиши кузатилди.

Трициклик тиено[2,3-d]пиримидинонлар; метил ва эфир гуруҳларининг оксидланиши: Этил тиено[2,3-*d*]пиримидин карбоксилатлар (**105-107**), 2-АТ **16** ва циклик лактамларнинг (2-пирролидон, 2-пиперидинон ва капролактам) 45°C да дихлорметанда (ДХМ) қиздириб, ҳамда фосфор оксихлорид ($POCl_3$) иштирокида конденсация реакцияси орқали синтез қилинди. **105-107**-Эфирларнинг гидролизи H_2O/CH_3OH аралашмасида LiOH иштирокида тегишли кислоталарни (**108-110**) берди. Шу билан бирга ушбу кислоталарни муқобил синтез усули таклиф этилди: агар алмашган диметил тиено[2,3-*d*]пиримидинонлар (**111-113**) концентрланган HNO_3/H_2SO_4, билан таъсирлашса 5-ҳолатдаги метил гуруҳининг кутилмаган оксидланиши содир бўлиб селектив гетероциклик карбон кислоталар (**108-110**) ҳосил бўлади.



Реакция шароити (i) Циклик лакткмлар, $POCl_3$, DXM; (ii) LiOH, MeOH; (iii) HNO_3, H_2SO_4

Амидлаш реакцияси: Амидлар синтезида дастлаб **109**-бирикма мисолида реакциянинг оптимал шароити ўрганилди. Бунда COOH функционал гуруҳни фаолловчи агентлар сифатида: 1-этил-3-(3-диметиламинопропил)карбодиимид ва гидроксибензотриазол (EDCI ва HOBt), (1-[бис(диметиламино)-метилен]-1*H*-1,2,3-триазоло-[4,5-b]пиридиний 3-оксид гексафторфосфат) (HATU), ҳамда оксалил хлоридлар танлаб олинди. *н*-Бутиламин (**114a**) ва 4′-аминоацетофенон (**114j**) – алифатик ва ароматик аминлар вакили сифатида олинди. EDCI ва HOBt иштирокидаги реакцияларда, ҳам алифатик (**135**, 65%), ҳамда ароматик (**144**, 53%) амин учун ўртача унумларда амидлар ҳосил бўлди (2-Жадвал).

2-Жадвал. Амидлаш реакцияси шароитлари.



Субстрат	Реагент	Реакция шароити	Маҳсулот	Унум (%)
109	*н*-Бутиламин	EDCI, HOBt, ТЭА, 25℃	**135**	65
109	*н*-Бутиламин	HATU, ТЭА, 25℃	**135**	88
109	*н*-Бутиламин	$(COCl)_2$, ТЭА, 25℃	**135**	78
109	4′-Аминоацетофенон	EDCI, HOBt, ТЭА, 25℃	**144**	53
109	4′-Аминоацетофенон	HATU, ТЭА, 25℃	**144**	74
109	4′-Аминоацетофенон	$(COCl)_2$, ТЭА, 25℃	**144**	90

HATU ишлатилганда эса ароматик аминга нисбатан (74%) алифатик амин билан юқори унумда (88%) тегишли амид олинди. Аксинча, **109**-моддани оксалил хлорид билан таъсири натижасида аввал хлорангидрид - оралиқ маҳсулот (**116**), сўнгра **116**-бирикманинг 4′-аминоацетофенон билан реакцияси натижасида юқори унум (90%) билан **144**-амид ҳосил бўлди.



Шундай қилиб, тегишли алифатик амидлар **118-122**, **135-139** ва **152-156** учун HATU иштирокида, ва ароматик амидлар **123-134**, **140-151** ва **157-168** учун

эса бир реакторли, икки босқичли, оралиқ маҳсулотлар (**115-117**) ҳосил бўлиши билан борадиган усуллар орқали синтез қилинди.

ипсо-Нитролаш: Трициклик 5-карбокси тиено[2,3-*d*]пиримидинонлар (**108-110**) синтези 5,6-диметилтиено[2,3-*d*]пиримидинонлар (**111-113**) орқали амалга ошиши юқорида келтирилган. Даставвал **111-113**-моддаларни нитроловчи аралашма таъсирида *ипсо*-нитролаш кўзда тутилганди, натижада 5-ҳолатдаги CH_3 гуруҳининг аномал оксидланиши содир бўлди. Биз ушбу реакцияни давом эттириб **111-113**-бирикмалардан уч босқичда 5-нитро маҳсулотларни (**172-174**) синтез қилдик. Биринчи босқичда ҳосил бўлган кислоталар этерификация реакцияси орқали тегишли кислота эфирларига (**169-171**) трансформация қилинди. Олинган эфирлар HNO_3/H_2SO_4 аралашмаси билан ишлов берилганда селектив нитро маҳсулотлар **172-174** ҳосил бўлди (1-усул). Тиофен ҳалқасидаги COOH гуруҳни тўғридан-тўғри нитро гуруҳга алмаштириш мақсадида (2-усул, 3-жадвал), **108**-бирикма бошланғич модда сифатида, $Cu(OAc)_2$ Льюис кислотаси (50, 70 ва 100 мол% ларда) сифатида, ва $AgNO_3$, $NaNO_3$, $Ca(NO_3)_2$ метал тузлари эса нитроловчи агентлар сифатида *ипсо*-нитролаш реакцияси учун танлаб олинди.



Реакция шароити: (i) HNO_3/H_2SO_4; (ii) H_2SO_4, MeOH, киздириш; (iii) $Cu(OAc)_2$ / $AgNO_3$, EtOH; (iv) HNO_3 -20 - 10 °C

Тадқиқот натижасида нитроловчи агент $AgNO_3$ (бу ерда $Cu(OAc)_2$=70 мол%; ҳарорат=80°C; эритувчи=EtOH) ишлатилганда юқори унумда нитро маҳсулот **172** (3-жадвал, 4-қатор, 85%) ҳосил бўлди ва ушбу реакция учун оптимал шароит сифатида қабул қилинди, ҳамда **173** ва **174** моддаларнинг синтезида ҳам фойдаланилди.

3-Жадвал. $Cu(OAc)_2$ иштирокида *ипсо*-нитролаш реакцияси шароитлари.



Қатор	Катализатор / (мол %)	Нитроловчи агентлар	Вақт (соат)	Унум (%)
1	$Cu(OAc)_2$/50	$AgNO_3$	5	65
2	$Cu(OAc)_2$/50	$NaNO_3$	5	45
3	$Cu(OAc)_2$/50	$Ca(NO_3)_2$	10	48
4	**$Cu(OAc)_2$/70**	**$AgNO_3$**	**10**	**85**
5	$Cu(OAc)_2$/70	$NaNO_3$	10	65
6	$Cu(OAc)_2$/70	$Ca(NO_3)_2$	10	62
7	$Cu(OAc)_2$/100	$AgNO_3$	15	85
8	$Cu(OAc)_2$/100	$NaNO_3$	15	68
9	$Cu(OAc)_2$/100	$Ca(NO_3)_2$	15	66

108-Бирикма HNO_3/H_2SO_4 аралашмаси билан ўзаро таъсирлашганда нитро маҳсулотлар ҳосил бўлиши кузатилмади. *ипсо*-Нитролашда, HNO_3 нинг **108**-

субстрат билан 2 соат –25°C дан 10°C ҳароратда таъсирлашганда **172**-модда 15% билан олинди (3-усул).

Қайтариш реакциялари ва қайта гуруҳланиш: Амино маҳсулотлар **178-180** икки усул орқали синтез қилинди: **172-174**-нитро ҳосилаларни $SnCl_2 \bullet 2H_2O$ иштирокида қайтариб, карбокси-бирикмаларни эса дифенилфосфорилазид (DPPA) ёрдамида тўғридан-тўғри олинди. Иккинчи усулда ички молекуляр қайта гуруҳланиш содир бўлади ва бундай трансформация амино-бирикмалар ҳосил бўлишида биринчи усулга нисбатан анча селектив ҳисобланади. Шунинг учун тегишли 5-амино- ҳосилаларини юқори унумларда синтез қилиш учун қатор қайта гуруҳланиш шароитлари ўрганилди, жумладан Лоссен, Шмидт ва Курциус қайта гуруҳланиш реакция шароитлари ушбу тажрибаларда тадбиқ қилинди. **109**-Кислота Лоссен қайта гуруҳланиш реакцион муҳитида, яъни 150°C да гидроксиламин гидрохлориднинг полифосфор кислотадаги аралашмаси билан олиб борилган реакцияда кутилган амино бирикма **179** ўртача унумда (58%, 4-жадвал, 1-қатор) синтез қилинди.



Реакция шароити: (i) $Cu(OAc)_2$ / $AgNO_3$, EtOH; (ii) $SnCl_2 \bullet 2H_2O$, HCl, EtOH; n=1-3

Шмидт қайта гуруҳланиш усулида (натрий азид ва сулфат кислота) **109** нинг **179**-амино маҳсулотга трансформацияси Лоссен қайта гуруҳланишига нисбатан сезиларли даражада юқорироқ, яъни реакция хона ҳароратида олиб борилганда 70% унумга кўтарилди (4-жадвал, 2-қатор). Энг юқори унум (91%) Курциус қайта гуруҳланиш реакция шароитларида синтез қилинди. Бунда **109**-модда DPPA ёрдамида, ҳамда *t*-бутанолда ва азот атмосферасида секинлик билан кислотали гидролиздан сўнг **179**-бирикмага трансформацияси амалга ошди. Бизнинг фикримизча DPPA иштирокида Курциус қайта гуруҳланиш қуйидаги механизм асосида боради: аввал фосфат кислота субстратдаги карбоксил гуруҳи ҳисобига уларнинг аралашма ангидриди ҳосил бўлиб, азид элиминацияланади.

4-Жадвал. Қайта гуруҳланиш реакция шароитлари.

109 —Реакция шароити→ **179**

Қатор	Субстрат	Қайта гуруҳланиш шароити	Маҳсулот	Унум[a] (%)
1	**109**	$NH_2OH \cdot HCl$, PPA, 150°C	**179**	58%
2	**109**	NaN_3, H_2SO_4, х.ҳ.	**179**	70%
3	**109**	DPPA, ТЭА, Толуол, 110°C	**179**	59%[b]
4	**109**	DPPA, *t*-Бутанол, 85°C	**179**	91%[b]

[a] ажратиб олинган унум, [b] гидролиздан кейинги унум

Ҳосил бўлган ангидрид **A** азид анионини ациллаши натижасида ацил азид **B** ни ҳосил қилади, ушбу ацил азиди қиздириш натижасида беқарор оралиқ ацил нитрен (**C**) ҳосил бўлиши орқали тегишли изоционатга (**D**) ўтади. Термолиз жараёнида молекуляр азот элиминацияланади ва шу вақтнинг ўзида карбонил гуруҳга бириккан ўринбосарда [1,2]-силжиш содир бўлади.



Сўнгги босқичда CO_2 молекуласининг ажралиб чиқиши ва бутанол ёрдамида ҳимояланган фрагментнинг гидролизи натижасида **179**-амин ҳосил бўлади.

Сулфаниламидлаш: Тадқиқотлар **178-180**-бирикмаларни сулфанил-амидлаш орқали давом эттирилди. Мақсадли сулфаниламидлар **182-253** тегишли аминларнинг (**178-180**) ароматик сулфонилхлоридлар (**181a-x**) билан реакцияси орқали ДХМ эритмасида хона ҳароратида каталитик пиридин иштирокида олиб борилганда юқори унумларда (72–92%) ҳосил бўлди.



Реакция шароити: (i) Ароматик сулфонилхлорид (**181a-x**), пиридин, ДХМ, х.х.

182-205, n=1; **206-229**, n=2; **230-253**, n=3



200-Модданинг кристал тузилиши (CCDC:1528441)
228-Модданинг кристал тузилиши (CCDC: 1528442)

182, 206, 230, R_1=H, R_2=H
183, 207, 231, R_1=H, R_2=4-Me
184, 208, 232, R_1=H, R_2=2-F
185, 209, 233, R_1=H, R_2=3-F
186, 210, 234, R_1=H, R_2=4-F
187, 211, 235, R_1=H, R_2=4-Br
188, 212, 236, R_1=H, R_2=4-NO_2
189, 213, 237, R_1=H, R_2=4-OMe

190, 214, 238, R_1=H, R_2=2-CF_3
191, 215, 239, R_1=H, R_2=3-CF_3
192, 216, 240, R_1=H, R_2=4-CF_3
193, 217, 241, R_1=H, R_2=2-OCF_3
194, 218, 242, R_1=H, R_2=3-OCF_3
195, 219, 243, R_1=H, R_2=4-OCF_3
196, 220, 244, R_1=3-F, R_2=5-F
197, 221, 245, R_1=3-F, R_2=4-F

198, 222, 246, R_1=2-F, R_2=6-F
199, 223, 247, R_1=2-F, R_2=5-F
200, 224, 248, R_1=2-F, R_2=4-F
201, 225, 249, R_1=3-F, R_2=4-Me
202, 226, 250, R_1=4-F, R_2=2-Me
203, 227, 251, R_1=3-NO_2, R_2=4-Cl
204, 228, 252, R_1=3-Cl, R_2=5-Cl
205, 229, 253, R_1=H, R_2=4-C_6H_5

Диссертациянинг **«Дезоксивазицинон алкалоиди ва тиено[2,3-*d*]пиримидинонларда А-халқа модификацияси»** деб номланган **учинчи бобида** табиий алкалоид дезоксивазициноннинг «А» ҳалқасини «scaffold-hopping» стратегияси асосида тиофен, фуран, пиразол, пиридин каби беш ва олти аъзоли, бир ва иккита гетероатом тутган трициклик аннелирланган пиримидинонлар ва уларнинг бошланғич моддаларининг мувофиқ синтези бўйича олинган натижалар муҳокама этилган.

Трициклик тиено[2,3-*d*]пиримидинонлар дезоксивазицинон (бензопиримидинон)нинг тиофенли синтетик аналоглари ҳисобланади.



n=0, **Дезоксивазицинон**
n=1, **Макиназолинон**

Табиий бирикмалар

Тиено[2,3-*d*]пиримидинон

А-халка тиофен билан модификацияланган

Тиено[2,3-*d*]пиримидинонлар билан тадқиқотлардан сўнг, ушбу трициклик системадаги А-халқани турли хил – беш/олти аъзоли ва бир/иккита гетероатом сақлаган гетероцикллар билан алмаштириб, янги аннелирланган пиримидинонлар синтези ва модификацияси ўрганилди. Жумладан, тиено[3,2-*d*]пиримидинонлар, фуро[2,3-*d*]пиримидинонлар, пиразоло[3,4-*d*]пиримидинонлар, пиридо[3,4-*d*]пиримидинонлар, ҳамда тиено[3,2-*d*]пиримидинтионлар, фуро[2,3-*d*]пиримидинтионлар, пиразоло-[3,4-*d*]пиримидинтионлар синтези амалга оширилди.



Тиено[3,2-d]пиримидинонлар ва тиено[3,2-d]пиримидинтионлар: 3-Аминотиофенларнинг (**258-260**) аннелирланиши қисқа вақт оралиғида, яъни конденсация дихлорэтанда (ДХЭ) олиб борилганда, реакция бошлангандан бир неча дақиқа ўтиб содир бўлди ва кутилган тиено[3,2-*d*]пиримидинонлар ҳосил бўлди. Шу билан бирга турли хил реакцион шароитлари ҳам мазкур реакция учун текшириб кўрилди. Масалан, **258**-модда 2-пирролидон билан $POCl_3$ иштирокида ДХМ да (5 соат), диоксанда (8 соат) ва толуолда (20 соат) конденсация реакциясига киришганда **261**-маҳсулот мос равишда 42, 77 ва 28% унумлар билан олинди. Бундан ташқари, субстратлар эритувчисиз 100°C да қиздирилганда 68% билан халқаланиш маҳсулоти ҳосил бўлди. Эритувчисиз 140°C да (81%) 2 соат қиздирилганда реакция маҳсулотининг унуми сезиларли даражада ошди. Лекин бу усулда олинган техник аралашмани тозалаш жараёни нисбатан мураккаброқ бўлгани учун, эритувчи – ДХЭ билан олиб борилган реакция мақул деб танланди. Олинган пиримидинонлар тионловчи агент – Лавессон реагенти ёрдамида 2 соат толуолда қиздирилса пиримидин ҳалқасидаги кислород олтингугуртга конвертацияланади ва тегишли тионлар (**270-278**) ҳосил бўлади.



Реакция шароити: (i) ДМФ, $POCl_3$, NH_2OH; (ii) метил 2-меркаптоацетат, NaOMe, MeOH; (iii) циклик лактамлар, $POCl_3$, ДХЭ; (iv) Лавессон реагенти, абс. толуол ёки диоксан

270-278-Тионларнинг бир-реакторли синтези ҳам амалга оширилди: 3-аминотиофенлар (**258-260**) $POCl_3$ иштирокида лактамлар билан 3-4 соат диоксанда қиздирилса **261-269**-моддалар оралиқ маҳсулот сифатида ҳосил

бўлади ва реакцион аралашмага Лавессон реагенти қўшиб реакцияни яна 2-3 соат қиздирилганда **270-278**-тионлар 88-99% унумлар билан олинди.

Фуро[2,3-d]пиримидинонлар ва фуро[2,3-d]пиримидинтионлар: 2-Аминофуранлар (**301-302**) ҳам икки босқичда олинди: дастлаб этил цианоацетат (**7**) тегишли хлор-кетон ёки алдегидлар (**297**,**298**) билан реакциясидан **299**, **300**-оралиқ маҳсулотлар ҳосил бўлди ва кейинги босқичда ушбу интермедиатлардан трифторсирка кислота ёрдамида ҳалқаланган фуранлар – **301** ва **302** мос равишда 78% ва 86% унумлар билан синтез қилинди. Трициклик фуро[2,3-*d*]пиримидинонлар (**303-308**) – тиено[2,3-*d*]пиримидинонларнинг олиниш усули асосида синтез қилинди, яъни субстратлар эритувчисиз қиздирилганда 51-55% унумларда реакция маҳсулотлари олинди. Лекин, ДХМ, ДХЭ, диоксан ва толуол каби эритувчиларда қиздириб олиб борилган конденсация реакцияларида **303-308** лар паст унумларда ҳосил бўлди. Олинган фуро[2,3-*d*]пиримидинонларни (**303-308**) тионлашда ҳам икки хил усулдан фойдаланилди: пиримидинонлар орқали олиниши ҳамда **301** ва **302** лар орқали тўғридан-тўғри бир-реакторли усул асосидаги синтези. Иккала усулда ҳам диоксан реакция эритувчиси ва Лавессон ҳамда P_2S_5 реагентлари танланди.



Реакция шароити: (i) EtONa/EtOH, 0 ^oC - x.x.; (ii) ТФА; (iii) циклик лактамлар, $POCl_3$, 3 с; (iv) Лавессон реагенти, абс. диоксан, 6 с

Тиоамид- фрагментли фуро[2,3-*d*]пиримидинтионлар (**309-314**) Лавессон реагенти ишлатилганда 65-89% унумларда, P_2S_5 иштирокида эса паст унумлар (18-45%) билан ҳосил бўлди. Фуро[2,3-*d*]пиримидинтионлар тузилиши **311**-модда мисолида рентген тузилиш таҳлили асосида исботланди.

Пиразоло[3,4-d]пиримидинонлар ва пиразоло[3,4-d]пиримидинтионлар: Пиразол бирикма – **317**, $POCl_3$ иштирокида тегишли лактамлар билан ДХМ да (40-45°C), ДХЭ да (80°C) ёки эритувчисиз 100 °C да 6-7 соат давомида қиздирилганда пиразоло[3,4-*d*]пиримидинон **319** ҳосил бўлмади (5-жадвал). Реакция шароитлари атрофлича ўрганилгандан сўнг, фақат икки ҳолатда кутилган аннелирланиш содир бўлди: субстратларнинг эритувчисиз 2 соат 145-155°C да қиздирилганда (**319**-маҳсулот унуми 75%) ва қутбсиз эритувчи диоксанда 24 соат қиздирилганда **319**-маҳсулот 69% унум билан олинди. Моддалар (**319-324**) 90% гача унумларда ҳосил бўлди.



319, 322, n=1; **320, 323**, n=2; **321, 324**, n=3 **319-321**, R=Me; **322-324**, R=Ph

Пиримидин ҳалқасидаги ён $–CH_2–$ гуруҳлари сонининг ортиши реакция маҳсулотлари унумининг ортишига тўғри пропорционал бўлди. Айниқса бу пиразол халқасидаги 1-ҳолатдаги ўринбосар $R=CH_3$ бўлган бирикмаларда **319-321**, R=Ph бўлган бирикмаларга **322-324** нисбатан яққол намоён бўлди. Буни CH_3 ва $–CH_2–$ гуруҳларининг электронодонорлиги билан тушунтириш мумкин.

5-Жадвал. Аннелирланиш реакцияси шароити.



Қатор	Субстрат	Циклизация шароити	Маҳсулот	Унум[a] (%)
1	**317**	$POCl_3$, ДХМ, 45°C, 5 с	**319**	Реакцияга киришмаган
2	**317**	$POCl_3$, ДХЭ, 80°C, 2 с	**319**	Реакцияга киришмаган
3	**317**	$POCl_3$, Диоксан, 100°C, 6 с	**319**	Реакцияга киришмаган
4	**317**	$POCl_3$, Диоксан, 100°C, 24 с	**319**	69
5	**317**	$POCl_3$, эритувчисиз, 100°C, 3 с	**319**	Реакцияга киришмаган
6	**317**	$POCl_3$, эритувчисиз, 150°C, 2 с	**319**	75

Пиразоло[3,4-*d*]пиримидинонларни тионлашда иккала усулда ҳам: пиразоло[3,4-*d*]пиримидинтионларни (**325-327**) **317** ва **318** лардан тўғридан-тўғри бир-реакторли ва икки босқичли синтез усуллари кутилган маҳсулотларни 80-90% унумларда ҳосил бўлишини таъминлади.

а) икки боскичли синтези



в) бир-реакторли синтези



325, n=2, R=Me; **326,** n=3, R=Me; **327**, n=1, R=Ph

Пиридо[3,4-d]пиримидинонлар. Пиридо[3,4-*d*]пиримидинонлар – олти аъзоли аннелирланган пиримидинлар синфига мансуб. 2018-Йилда Х.У. Ходжаниязов трициклик пиридо[2,3-*d*]пиримидинонлар билан тадқиқотлар олиб борган ва циклик маҳсулотлар 150-170°C қиздирилганда ҳосил бўлган. Мазкур тадқиқотда ҳам ушбу реакция шароитлари қўлланилганда – пиридо[3,4-*d*]пиримидинонлар (**329** ва **330**) **328**-модда ва циклик лактамлардан осонлик билан синтез қилинди. Реакция 150 °C ҳароратда олиб борилди, чунки 100 °C да ушбу конденсация реакцияси содир бўлмади.



Шуни таъкидлаш керакки, аннелирланган пиримидинон системасига *N*-гетероатоми кириши билан нафақат реакциялар юқори ҳароратда бориши, балки бошқа хил аномал жараёнлар ҳам кузатилди. Масалан, трициклик птеридинлар ва изооксазолопиримидинонлар синтезида аннелирланиш содир бўлди, аммо маҳсулотларни соф ҳолатда ажратиб олишни имкони бўлмади. Ушбу йўналишда тадқиқотлар давом эттирилмоқда.



